



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (13.887)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, "Мўтабар аёл" кўрак нишон тасвиси этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Шу билан бирга хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизmlарини яратишга тўққинлик қилган бир қатор тизимли муаммо ва камчиллардан мавжуд.

Жумладан, узок муддат бола парвартиш билан банд бўлган аёлларнинг меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан: аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таққилар бекор қилинади; тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади; бола парвартиш ташкилининг камидан уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибда қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парвартиш ташкили берилди; икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва оқатланиш, болани оқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилди; аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки

муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш таққиланади;

эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари кўмағида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган хотин-қизлар тадбиркорлик марказларини (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узок муддат бола парвартиш ташкилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорига талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес гоёларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишининг турли режимидаги танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

(Давоми 2-бетда)

ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ЎРҒАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида талабаларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Big Idea Challenge" кўрик-танловининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Британия Кенгаши, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Лондон метрополитен университети ҳамкорлигида ташкил этилган лойиҳа мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабаларининг Буюк Британияда ташкил этиладиган инновация ва ташаббускорлик кўрик-танловларида иштирок этишига ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛЮКСЕМБУРГ АВИАЦИЯ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Люксембург Буюк Герцоглиги ташқи ва Европа ишлари вазири Ж.Ассельборн бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Маҳаммов меҳмонларни кутлар экан, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Марказий Осиё минтақасида транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш борасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ҳақида сўзлаб берди. Вазирлик фаолияти, таркибий тузилмаси, мақсад ва вазифалари билан таништирди.

Мулоқот чоғида транспорт-логистика, транзит соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Люксембург манфаатларида бирдек хизмат қилиши таъқидланди.

Қайд этиш жоиз, бугунги кунга қадар Ўзбекистон билан Люксембург ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмаган. 2018 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақлари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар" мавзусидаги

халқаро конференция доирасида икки мамлакат авиация маъмуриятлари "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази орқали тижорий қатновларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилди.

Музокаралар якуни бўйича ушбу соҳадаги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқишга келишилди.

Транспорт вазирлигида Люксембург делегацияси билан ташкил этилган учрашув чоғида икки давлат авиация маъмуриятлари ўртасида ҳаво қатнови тўғрисида протокол имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида юк, йўловчи ташини ва чартер рейсларини амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади. Люксембургнинг "Cargolix" авиакомпанияси учун 2020 йилдан Осиё мамлакатларига юк ташинидаги транзитларни "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази орқали амалга ошириш имкониятларини яратади.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

БЎЛАЖАК АСКАРЛАР ВАТАН ҲИМОЯСИГА КУЗАТИЛДИ

Юнусободлик Хуршид Исматуллаев кўпдан орзиқиб кутган аскарлар қаторида эканидан кўнгли осмонда. Болалигидан спортнинг кикбоксинг тури билан мунтазам шуғуллангани, умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежидан олган билимлари тиббий, жисмоний кўриклардан ва таст синовларидан муваффақиятли ўтишида катта аҳамият касб этди.

– Бугун мақсади сари илк қадамни ташладим, – дейди оддий аскар Х.Исматуллаев. – Телевизорда ҳарбийлар фаолияти ҳақидаги фильмларни томоша қилиб, ҳавасим келарди. Бугун барча дўстларимнинг менга ҳаваси келди, онамнинг кўзларида эса қувонч ёшлари. Уларнинг ишончини оқлаб, хизмат даврида бор куч-билимини сарфлашга, ҳақиқий юрт ҳимоячиси бўлишга ҳаракат қиламан.

Тошкент шаҳар муҳофаа ишлари бошқармасида Хуршид каби шарафли мақсадини кўзлаган бир гуруҳ йигитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали тарзда кузатилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, бўлажак аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Қучларида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида ёшларда ҳарбий хизматга қизиқиш ортиб бораётгани, Ватан ҳимоячиси бўлиш юксак шарафга айлангани алоҳида таъқидланди.

Сўнги йилларда мамлакатимиз муҳофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида Қуролли Қучларимизнинг моддий ва маънавий қиёфаси янада яхшиланди. Замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматини ўташ тартибин тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган бўлди. Бу каби сазъ-харакатлар тизимида олиб борилган изчил ислохотларнинг самарасидир.

Тадбирда бўлажак аскарларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, ёшларнинг келгуси ишларига улкан зафарлар тилади.

– Неварам Шамсиддиннинг аскарлик либосида Ватанимизга хизмат қиладиган ўқтам йигит бўлиб қолганини кўриб хурсанд бўлдим, – дейди ЎЗА мухбирига Учтепа туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Ш.Раҳматовнинг буvisи Ҳасима Равшанова. – Бугун уни ҳарбий хизматга кузата туриб, кўнглимдаги энг эзгу орзулардан бири амалга ошаётганини ҳис қилдим. У кичик невараларимга ҳам ўрнак кўрсатди. Армиядаги хизмат йигитларнинг ҳаётий тажрибасини ошириб, Ватани ва оиласини қадрлашни ўргатади.

Маросимда бўлажак аскарларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

XXI сағоси АСР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада "Келажакни терроризмсиз қура-миз!" шиори остида халқаро фестивал бошланди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тўжикистон Республикалари чегарадош худудларининг давлат бошқарув органлари, ёшлар ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, диний соҳа вакиллари, экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида илмий-амалий тажрибага эга мутахассислар, талаба-ёшлар иштирок этмоқда.

● Нукус шаҳрида жорий йил сентябрь ойида ўз фаолиятини бошлаши кутилаётган Президент мактабининг қурилиш ишлари бошланди. Бунёдкорлик ишлари август ойи охирига қадар тўлиқ якунланиши режалаштирилган. Сентябрь ойидан ўқув йили бошланади. Мактабга 5-10 синфлар учун ҳар бир синфга 24 ўқувчидан жами 144 ўқувчи қабул қилинади. Ҳар бир синфга қабул қилинган ўқувчилар 12 нафардан иккита синфга тақсимланади.

● Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан Олмалик шаҳрида жисмоний имконияти чекланган, уй-жойга муҳтож 24 нафар хотин-қизга янги уйларнинг қалити топширилди.

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида "Ёшлар шахмат тахтаси" анъанавий республика очик турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Жисмоний тарбия ва спорт, Маданият, Халқ таълими вазирликлари, Касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон шахмат федерацияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган мусобақада худудий босқичларда ўқувчилар кўлга киритган қарийб 170 ўқувчи б та ёш тоифасида ўзаро дона сурди.

ЖАҲОНДА

● Испания шимолида кучли ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Бу борада аҳвол айниқса Астория вилоятида оғир. Жазирама иссиқ ва қуруқ ҳаво янги ёнғин ўчоқларини юзага келтириши мумкин. Ҳозирда ёнғинни бартараф этишга иккита самолёт, бешта вертолёт ва қўллаб ўт ўчирувчилар жалб этилган.

● Эфиопияда авиаҳалокат рўй берди. Кения пойтахти Найробига йўл олган "Эфиопан Аэрлинес" авиакомпаниясига қарашли "Boing-737 МАХ" русумли самолётнинг Аддис-Абебадан парвоз қилиши билан бир неча соғиядан сўнг қулаб тушиши натижасида турли давлатлар фуқароларидан иборат барча 157 нафар йўловчи ҳалок бўлган. Ҳозирча авиаҳалокат сабаблари номаълум. Ҳудиса қурбонлари хотираси учун мамлакатда 11 март мотам кўни деб эълон қилинди.

● "Боинг" корпорацияси Эфиопиядаги авиаҳалокат туфайли ўзининг 13 мартга белгиланган "Boing-777 X" русумли янги кенг фюзелажли самолётининг тақдимотини ўтказмайдиган бўлди.

ҚИСҚА САТРАПДА

● Пойтахтимиз худудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида "Яшил ташаббус – 2019" эко-фестивали ташкил қилинди. Мазкур фестивал 25 мартга қадар давом этади.

● "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан "Жаҳолатга қарши маърифат: миллий осойишталикнинг гарови" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● Шаҳримизда Сингапурнинг "Kinder World International Group" компаниясининг мактаб ва мактабгача таълим муассасалари филиали очилади.

● Юнусобод туманида замонавий савдо ва кўнгилочар мажмуаси қурилмоқда. Унда озиқ-овқат, кийим-кечак дўконлари, оқатланиш шохобчалари, болалар майдончалари, 3D кинотеатри ҳамда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қиладиган кўлайлик ва шароитлар яратилиши режалаштирилган.

● Оила маркази Учтепа тумани бўлимида ёш никоҳланувчилар учун "Соғлом оила – соғлом жамият" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида "Ўзбекистон маданий мероси" фотокўргазмаси очилди ҳамда кўргазма доирасида "Музей дўстлари" клуби ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Белгилаб қўйилсинки: марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хўнарамчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашши мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

марказларни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазибалари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фойздан йўлга қўйиш маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантирилган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади; махсус ўқитиш дастурларини мувофақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) Хотин-қизлар кўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фойз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс маблағлари имтиёзли кредит маблағларининг манбаси этиб ҳисобланади. Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фойзи қишлоқ жойларида истикомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бир ой муддатда кредит олиш учун тавсия бериш жараёнининг адолатли ва шафқатли таъминловчи тартибини тасдиқласин.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагида Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Куйидагилар Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шaroитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиши; давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бўзилишига оид муносабатларини кўриб чиқиши;

касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши; аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиши;

аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиши.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргаликда икки ой муддатда:

а) куйидагиларни назарда тутувчи "Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

гендер тенглик тушуниши ва турлари; ваколатли органларнинг вазибалари ва функциялари; давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлашга оид нормалар;

гендер тенглик бўзилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай бўзилишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

б) куйидагиларни назарда тутувчи "Хотин-қизларни таъминлаш ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги таъйик ва зўравонликлар турлари;

ваколатли органларнинг вазибалари ва функциялари; таъйик ва зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

судга ва суд жараёнида таъйик ва камситиларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Хотин-қизлар кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий савло комиссияси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Марказий банк, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2-иловага мувофиқ бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг "Gender.stat.uz" веб-сайтига жойлаштирилишини ва маълумотлар доимий равишда янгилашиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда марказларни барча шaroитга эга бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиб, тегишли тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Куйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.К.Норбоева зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М.Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқов зиммасига Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия билан ҳамкорликда ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотлари, биринчи навбатда, аёлларни қўллаб-қувватлашга иxtисослаштирилган ташкилотларнинг техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб қилиш бўйича доимий ва тизимли равишда зарур таъйикли-амалий чоралар кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.К.Норбоева ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 март

Қарор ва ижро

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ЭРТАСИ

Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори болаларнинг тўлиқ оила шaroитида униб ўсиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда БМТ Болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Болаларга ғамхўрлик қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаси ходимлари фаолиятини тақомиллаштириш" мавзусида дара суҳбати бўлиб ўтди.

Унда бир қанча вазирлик ва ташкилотларнинг мутасадди вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бола парварлишига маъсۇл бўлган соҳа ходимлари иштирок этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, интернет ақлидаги муассасалардаги болалар сонини қисқартириш жуда муҳим. Бунга эришиш учун эса ижтимоий ҳимояга эҳтижман оилаларга ёрдам бериш лозим. Мамлакатимиздаги ана шундай оилаларнинг 70 фойздан ортиғига ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд экан.

Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳар 100 минг боланинг 666 нафари, юртимизда эса 200 нафардан кўпроги интернет шаклидаги муассасаларда тарбияланмоқда.

Мамлакатимиздаги бундай қўрсаткич минтақадагидан паст бўлса-да, бу муаммолар эътибордан четда қилиниши мумкин эмас.

Президентимизнинг "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори оилавий кадрларни кадрлаш, миллий аъёна ва урф-одатларимизни муқаддас билиш ва уни асраш йўлидаги муҳим ҳужжат ҳисобланади, дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмухамедова.

Ижтимоий етилликка қарши ҳаммаимиз ҳам-жиҳатлида бир ёқадан бош чиқариб, бирлашиб курашмоғимиз лозим. Бу масалага ҳуқуқатимиз томонидан алоҳида эътибор берилган бўлса-да, олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонининг камайишига эришилмоқда.

Жумладан, болаларни оилаларга жойлаштириш ва оила томонидан қабул қилинишини таъминлаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг қўлай шарт-шaroитларини яратиш борасида ҳам дастуруламал ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Дарҳақиқат, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳам бошқа болалардек тўлиқ оилادا тарбия қўриш ва ҳимояланишга ҳақли.

Бинобарин, оилادا камол топиш, униб-ўсиш воғая етайётган фарзандларимизнинг қалби ва онгда энг гўзал хусусиятларини янада шакллантириш билан бирга оила деб аталмиш муқаддас гўшанинг нечоғли ҳаётда муҳим ўрин тутушини ҳам ангайтиб борамиз.

Азалий аъёналаримиз шакланган, миллийлигимиз тимсоли уфуриб турган ўзбек оилаларидаги муҳит, эзгулик, поклик, ҳаллоқлик борасидаги энг яхши хислатлар болаларни қомил инсонлар бўлиб воғая етишишда ҳам эътиборга моликдир.

Давра суҳбати қизғин фикрлар, мулоқазли чиқишлар ва савол-жавобларга бой тарзда яқунланди. Тадбир доирасида ижтимоий фаолият функцияларни баҳолаш натижалари ҳусусида ҳам маълумотлар берилди.

Гулнигор САТТОРОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2018 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 1865-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 143-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда), Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳарининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари мажмуасининг мурожаатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Маҳаллий бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг умумий йиллик миқдоридан келиб чиқиб, солиқ Концепцияси бўйича таъсир қилувчи омиллари инобатга олган ҳолда чораклик прогнози кўрсаткичларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда йиллик прогнозни қайта тақсимлашига Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан розилик берилгани инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳарининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорининг:

а) 3-илоvasи мазкур қарорнинг 1-илоvasига мувофиқ;

б) 5-илоvasи мазкур қарорнинг 2-илоvasига мувофиқ янги тахирда баён қилинсин.

3. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исмаилов):

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

4. Ушбу қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтга жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган қундан эътиборан қучга қиради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хаджидаев зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артиқходжаев

2019 йил 5 март

"СУЗУК ОТА" МАҲАЛЛАСИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокими "Сузук ота" маҳалласи аҳолиси ва улар учун кўп қаватли турар жой қурилишига маъсۇл бўлган пудратчи ташкилот раҳбари билан учрашиб, мулоқот ўтказган эди. Учрашувда аҳолини қизиқтирган саволлар ўрганилгани ҳолда қурилиш ишларини кечиктираётгани учун "Mega stroy Tashkent" маъсуляти чекланган жамияти раҳбарига қаттиқ огоҳлантириш берилган эди. Шундан сўнг икки ҳафта муддатда мутахассислар томонидан мазкур объектада кузатишлар ва ўрганишлар олиб борилди.

Ушбу масалада ташкил этилган ишчи гуруҳнинг ҳулосасига кўра, пудратчи ташкилот қурилиш ва монтаж ишларини талаб даражасида ташкиллаштириш олмаган. Ташкилотда керакли жиҳозлар, малакали мутахассислар етишмайдиган, молиявий аҳвол ҳам қониқарли эмас. Шу сабаб ишлаб чиқариш жараёни сустр кетган ва топширилган вазифа ўз вақтида бажарилмаган. Қурилишнинг талаб ва меъёрларига амал қилинмагани ва ушбу қурилиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича ўрганилгани ҳолда пудратчи ташкилот билан тузилган шартномаси ўрнатилган тартибда бекор қилинди.

Унинг шу қунгача бажарган барча ишлари Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги буюртма хизмати компаниясига топширилди. Малакали техник назоратчилар томонидан тўлиқ ўрганилди. Ўзаро молиявий ҳисоб-китоблар ҳам амалга оширилмоқда. Айни қунларда қурилиш монтаж ишлари кескин жадаллаштирилди.

Шаҳар ҳокимияти томонидан кўп қаватли уйлари тез фурсатда барча қурилиш меъёрларига амал қилган ҳолда яқунлаш жиддий назоратга олинган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ЎРГАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур танлов инновацион ва барқарор бизнесини яратиш бўйича аниқ ва янги гоёларга эга бўлган ёшларга малакали мутахассислар билан тажриба алмашиш имкониятини яратди. Иштирокчилар ўзлари яшайдиган ҳудудда аҳолига фойда келтирадиган инновацион лойиҳалар билан иштирок этиши лозим. Мамлакатимиз ҳудудлари билан боғлиқ бўлган масалалар ва эҳтиёжлар ижтимоий, атроф-муҳит ҳамда жамиятга фойдали бўлган гоёлар орқали ўз ечимини топиш керак.

— Ҳозир Лондон метрополитени университетини ташкил этган ушбу лойиҳа оммалашган бўлиб, стартап ва инновацион гоёлари кўллаб-қувватлайдиган ягона дастур саналади, — дейди Бирлашган Қироллик элчиси Кристофер Аллан. — Ушбу университетнинг стартап акселератори Европа минтақасида энг йирик ҳисобланади, ўтган йиллар мобайнида умумий даромади 21 миллион фунт стерлингни ташкил этди. Бу орқали 170 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, 14,2 миллион фунт стерлинг сармоясига эга бўлган лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистондан 2019 йилнинг 1 февралига қадар кўрик-танловда иштирок этиш учун 230 га яқин лойиҳа топширилди. Лондон метрополитени университетини мутахассислари улар орасидан 23 лойиҳани иккинчи bosқичга саралаб олди. Муаллифлар ўз кўникмаларини ривожлантириб, танловнинг кейинги bosқичларига тайёрланади.

(ЎЗА)

Тошкент иқтисодиёт коллежида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан сайёр қабул ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва жорий йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири Т.Муллажонов Юнусов туманининг 2-сектор ҳудудида яшовчи аҳоли билан сайёр учрашуви бўлиб ўтди.

Сайёр учрашувда 2-сектор ҳудудидаги "Муруват", "Халқабоб", "Ўзбекистон мустақиллиги", "Бободехон", "Юртобод", Увайсий, "Шоштепа", "Беғубор", "Меҳнатобод", "Октепа", "Севинч", "Ахиллобод", "Янгибоб", Юнус ота ва Аҳмад Доғи маҳаллаларида яшовчи 120 дан ортиқ фуқаро, 2-сектор ҳудудидаги 15 та маҳалла фаоллари йилгича раислари ҳамда худудга хизмат кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари иштирок этдилар. Ҳозирда аҳоли томонидан 108 та арива ва тақлифлар келиб тушган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Юнусов туманидаги Халқ қабулхонаси ушбу мурожаатларни соҳадар бўйича ваколатли ташкилотларга ижро ва назорат учун тақдим этган.

УЧРАШУВЛАРДА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

— Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ҳар кун янгидан-янги ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Юнусов туманидаги Халқ қабулхонаси мудири вазифасини бажарувчи Зикрилла Расулов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, хал билан очиқ-ошкора мулоқот қилишининг янги тизими — Халқ қабулхоналари ўтган вақт мобайнида бажаришга ишлардан кўра хали этилиши лозим бўлган вазибалар янада кўпроқ ақалигини намоён этди. Зотан, ҳақиқат бахсаларда, ошқорча мулоқотларда буй кўрсатади. Президентнинг жойларда Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси ташкил этилганидан кейин халқнинг реал ҳаётидан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни хатто жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни

таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак". Сайёр учрашувлар оддий одамлар ҳаётига ўзгаришлар олиб келса, муаммоларига ечим топса, олдидаги тўсиқларини олиб ташлашга ёрдам берса шундагина самара бўлади.

Ўтказилган сайёр учрашувда мурожаатчилар томонидан билдирилган мурожаатларни жойида кўриб чиқиб, ижросини таъминлаш учун туманда фаолият олиб бораётган соҳа ташкилотлари, янги туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси, ўзини ўзи бошқариш органлари, коммунал хизматлари, ички ишлар, прокуратура, мажбурий ижро босиси, барча судлар, халқ таълими, мактабгача таълими бўлими, пенсия жағмармаси, давлат хизматлари маркази, бандликка кўмаклашиш маркази, солиқ, банк идоралари ва бошқа ташкилот раҳбарлари ҳамда вакил-

лари катнашди. Бу эса мурожаатларнинг жойида ҳал қилиш имконини берди.

Юнусовод 14-дахдада истикомат қилувчи II-гуруҳ ногирони Баҳодир Қўзибоевнинг мурожаати ҳам эътиборисиз қолдирилмади.

— Бугун шодлигимнинг чеки йўқ, — дейди у. — Сергели туманида қурилаётган имтиёзли асосдаги уй-жойга эга бўлиш бўйича қилган мурожаатим ижобий ҳал бўлди. Бундан оилам билан бирга шодим. Қурилиш соҳасида ишлаб, икки фарзандни оқ юрак, оқ таракди. Бир хонали уйда анча сиқилиб қолган эдик. Келажакда янги уйларда фарзандларим камолини кўриш ниятидаман. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига, бу эғу ишга хисса қўшган туман Халқ қабулхонаси мутасаддиларига миннатдорчилигимни билдираман.

— Фарзандингни соғлиғидан муҳим нарса бўлмас керак, — дейди Юнус ота маҳалласида истикомат қилувчи Наталья Кочурова. — 12 ёшдаги қизимнинг бетоблиги сабабли жарроҳлик амалиётига маблағда қийналаётган эдик. Ўз муаммоларим билан Халқ қабулхонасига мурожаат қилганим. Қизимнинг саломатлигини тиклаш учун барча саъй-ҳаракатлар ишга солинганидан ва мурожаатим эътиборисиз қолмаганидан жуда хурсандман.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси одамларнинг бугуни ва эртанги ҳаёти фаровон бўлишини таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улғу мақсадда қаратилган.

Зиёда РАСУЛОВА

КЎРИК-ТАНЛОВ ФОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилгани ҳеч кимга сир эмас.

Олий ўқув юрти талаба-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун шароит яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий савиясини юксалтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли танловлар ташкил этиб келинмоқда. "Ёшлик маликаси" кўрик-танлови ҳам шулар жумласидан. Танловда "Ёшлик" талабалар шахарчасидаги олий таълим муассасаларида бакалаврият босқичида тахсил олаётган барча талаба-қизлар иштирок этишди. Шаҳар босқичига йўланмани қўлга киритган 5 нафар иштирокчи ўзaro беллашди. Улардан Ўзбекистон Миллий университети талабаси Анара Бозорова, Тошкент давлат техника университети талабаси Нигина Рахимова, Тошкент тиббиёт академияси талабаси Ўғил Музажонов, Тошкент давлат юридик университети талабаси Гулнора Очилова, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси Робия Усмоновалар маҳоратларини намойиш этишди. Танлов тўртта шарт асосида ўтказилди. Иштирокчилар "Кўзгү олдидаги мен", "Билимдонлик синови", "Language skills" (хорижий тилларни билиш қобилияти), "Ижод гулшани" шартлари асосида беллашди.

Натижаларга кўра 1-ўринни Ўзбекистон Миллий университети талабаси Анара Бозорова эгаллади.

Танловда голиб бўлган қизлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

АЗИЗ ВА МЎЎТАБАРСИЗ

Баҳорнинг илк кунларида аёлларнинг энг муқаддас ва азиз байрами ҳисобланмиш Халқаро хотин-қизлар куни байрами мамлакатимизда ўзгача ҳурмат ва эҳтиром билан нишонланади.

Пойтахтимизнинг барча ҳудудларида "Сиз ҳаммисиз эъзоздасиз" шиори остида байрам тадбирлари ўзига хос тантаналар билан кенг нишонланди. Мўътабар ва мунис онахонларимиз, бувижонларимиз, опа-сингилларимиз бугун эъзоз эҳтиромда. Қўлларидан анвойи гулдастлар тугган дилбар аёллар ва латофатли қизларнинг юзларида қувонч, бахтиёрлик нафаси уфуриб турибди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбир ўзига хос завқ-шавқ билан нишонланди.

Байрам тадбирига туманда

истиқомат қилувчи юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фаол аёллар, нуруний онахонлар ва дилбар опа-сингиллар ташриф бурди.

– Бугун юртимиз хотин-қизларининг кўнглига теран нигоҳ ташласангиз, ўтаётган ҳар бир кундан беҳад мамнунлиги ва ҳар бир кунига шукрона айтиб яшаётганига амин бўласиз, – дейди Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. – Чунки улар давлатимиз ардоғида азиз ва муқаррам, эҳтиром ва эъзозда, бахтиёр умр кечирмоқдалар. Мен фурсатдан фойдаланиб юртимиздаги

барча аёлларни ўлкамизга қўтлуг қадамлари билан кириб келган баҳор фасли ва хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан табриклайман.

Тадбир доирасида эл севган ижодкорларнинг дил изҳорлари, санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар билан давом этган байрам тадбири йиғилганларга бир олам қувонч, кўнгилларга хушнудлик бағишлади.

Кўп йиллардан буён турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган ва ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ҲАМИША ЭЪЗОДАСИЗ

Миробод туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган маънавий-маданий тадбир "Ҳаёт" тантаналар мажмуасида нишонланиб, унга уч юзга яқин хотин-қизлар тақлиф этилди.

Миробод туман ҳокими Шухрат Пўлатов ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг оиладаги, жамиятдаги ва давлат қурилишидаги ўрни ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

– Юртбошимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик биз, аёлларга куч, шижоат бағишламоқда. Айни дамда жуда

ҳам бахтиёр ва хурсандман, ўзбегимнинг байрамлари ва тўйлари кўпаяверсин, юртимизга кўз тегмасин илоҳим, – дейди Феруза Нуриддинова.

Тадбир доирасида байрамга ташриф бурган барча хотин-қизларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон халқ артистлари Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров, таниқли қўшиқчилар Маҳмуд Намозов, Тоҳир Содиқов ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамонга кайфият бағишлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Президентимиз Ш.Мирзиёев раислигида 2018 йил 26 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Бош прокуратура томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи ариқ ва каналлар атрофини ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

КАНАЛЛАР АТРОФИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Топшириқ олингандан кейин тадбирларни тизимли ва марказлашган ҳолда олиб бориш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратурасида тезкор штаб ташкил этилди.

Бунда асосий эътибор Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимлари билан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларига қаратилди.

Ариқ ва каналларни тозалаш учун республиканинг барча ҳудудларидан 106 та махсус техника жалб қилинди. Улар ёрдамида қирғоқ бўйларида аниқланган жами 1 минг 474 та ноқонуний қурилмаларнинг 1 минг 330 таси бузилди.

19 минг 163 п/м каналлар ва 183 метр қувурларнинг ички қисмида тозалаш ишлари олиб борилиб, 1 минг 233 метр куб чиқиндилар олиб чиқилди. 196,5 км. узунликдаги каналлар тозаланди, 5,3 км. қисмида бетон ва асфальт қопламаси ётқизилди.

Олмазор туманидан оқиб ўтувчи "Дамарик" каналида аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кўнгилочар ва маданий объектларни ўзида ҳаммаган "Сой бўйи" аллеяси барпо этилаётганидан хабарингиз бор.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида истисно тариқасида бош лойиҳачи ва пуд-

ратчи ташкилотга танлов савдолари ўтказмасдан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат этилди.

Мазкур лойиҳанинг буюртмачиси "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бўлиб, бош пудратчи сифатида "Inter Bulding" МЧЖ танлаб олинди.

Урганиш ишлари давомида "Дамарик" каналининг узунлиги 1 210 метрни ташкил этиши аниқланди. Мазкур канал атрофидаги ноқонуний қурилмалар аниқланиб, 18 та турар ва 9 та нотурар жой объектлари бузилди. Дарахтларга шакл берилиб, канал атрофи тўлиқ ободонлаштирилди.

Ушбу ишларга жами 15 та махсус техника жалб қилинди. 6 та тадбиркорлик субъектига канал атрофида бўшаган ҳудудда дам олиш маскани ташкил этиш учун 7 та лот бўйича лойиҳалар тасдиқланди.

Мазкур лойиҳалар амалга ошадиган бўлса, 15 млрд. сўм маблағ сарфланади, келгусида 140 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Бобур ТАДЖИБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Транспорт, қурилиш соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти қошидаги академик лицей томонидан 2018 йилда Панжев Аббос Акмал ўғли номига берилган L № 344528 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи томонидан 2018 йилда Ваҳобов Абдуқаҳор Абдулхай ўғли номига берилган K № 35314865 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мирзо Улугбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 15.11.2018 йил 650124-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ASPECT EAST" МЧЖ (ИНН 305858330) таъсисчининг 4.03.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**
Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, 122/1-уй, 124-хонадон.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА! ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси профессор-ўқитувчилари таркибида бўш иш ўринлари мавжуд бўлиб, ушбу бўш иш ўринларини сифатли тўлдириш мақсадида илмий даража ва унвонга эга бўлган малакали профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қиламиз.
Гуманитар фанлар кафедраси профессори (диншунослик) – 1 ўрин;
Гуманитар фанлар кафедраси доценти (фалсафа) – 1 ўрин;
Гуманитар фанлар кафедраси доценти (сўбсашунослик) – 1 ўрин;
Гуманитар фанлар кафедраси доценти (психология) – 1 ўрин;
Гуманитар фанлар кафедраси доценти (педагогика) – 1 ўрин.

Мурожаат учун маълумот: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 2-уй. Тел: (71) 289-97-27, (71) 289-97-84. (Мўлжал М.Улугбек тумани ҳокимияти).

"101" ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда барпо этилаётган турли бинолар ва фуқароларнинг уй-жойлари шахримизнинг янада чирой очишига сабаб бўлаётир.

Аҳоли яшаш жойларини ёнгиндан муҳофаза қилиш, қурилиш пайтидаёқ уларнинг ёнгинга қарши ҳолатини ҳисобга олиш муҳим масалалар. Чунки содир бўлган ёнгинни бартараф этишдан кўра, бошиданоқ уйимизни мустаҳкам, ёнгинга бардошли қилиб курсак бу ҳам арзон тушади, ҳам йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

А.ЯКУБАЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасининг ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнгинларнинг аксарияти фуқароларнинг турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зеро, электр асбоблари ва машиий техника воситаларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бекорлик, умуман ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда кўпга ёнгин чиқиш ҳолатлари учрамоқда.

Шундай экан барчамиз биринчи навбатда ўз шахсий хавфсизлик, мол-мулк ва албатта жамоат, давлат мулкларини кўз қорачигидек сақлаш ва асраб-авайлаш, уни бойитиши ҳақида қайғуришимиз керак.

Ж.САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ қислоролга нисбатан 300 мартаба тез ва кўпроқ гемоглобинга бирикши хусусиятга эга.

Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга қислорол ташиш хусусияти жуда пасайиб, гипоксияга, оғир захарланганда аноксияга олиб келиши мумкин.

Ис газининг катта миқдори таркибда темир моддаси бор. Нафас олиш ферментини парчалайди. Бу ўз йўлида тўқималарнинг нафас олиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ҳаётдан бевақт кўз юммаслик учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг. Фақуллода ҳодисалар юз берганда зудлик билан "101" рақамига кўнгирик қилинг.

Д.ДАҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармасига қарашли Ҳўкumat уйи ва автохўжалиги биноларини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Агарда биз оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасак, уйимизда ёнгиндан олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Болалар бизнинг келажгимиз, уларни асраб-авайлаб, Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб қамол топишларига биз жавобгармиз.

Ёнгинлар сабаби кўчир. Назоратсиз қолдирилган газ мол, газ плитаси, носоз телевизор ва кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида катта мусибатларга олиб келади. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг.

М.МИРЗАБЕКОВ,
Ўзбекистон халқаро анжуманида саройи ЁХБ инспектори, катта сержант

"Ёнгинлар профилактикаси куни" тадбири давомида жойларда ёнгин хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш, "тилсиз ёв"ни камайтириш, бу офат оқибатида инсонларнинг тан жароҳати олиши ва моддий бойликлар кулга айланishi ҳолатларини камайтириш мақсадида тарғибот-ташвиқоти ишлари амалга оширилмоқда.

Афсуски, кўп ҳолларда ёнгинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Оқибатда эса кўпга нохушлиқлар келиб чиқади. Шунинг учун биз фуқароларимизни янада эътиборли бўлишига чақириб қоламиз.

Н.АЗИМОВ,
Чилонзор тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқоти бўйича учрашувлар ўтказилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни қўлайтиришдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган широр барча фуқаро, оилалар, қорхона ва ташкилотга тааллуқлиги эканлигини унутмаслик лозим.

У.АҲМЕДОВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант, Б.АБДУҲАМИДОВ,
ЁХИ курсанти

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарволик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида юзага келаятганига гувоҳ бўламиз.

Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни қорхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун биз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизлардан фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраб қоламиз.

К.ПЎЛАТОВ,
ЁХБ инспектори, лейтенант

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёнгинларни юз беришига сабаб бўлмоқда. Ачирарлиси куйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсимирлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгиннинг олдини олган бўламиз.

У.РАЗЗОКОВ,
"Миллий" стадиони ЁХБ катта инспектори, майор

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ЯНГИ ТЕЛЕКАНАЛДА АКС ЭТАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзархив" агентлиги томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида ташкил этилаётган "Ўзбекистон тарихи" канали фаолиятини ташкил этишда архивларнинг ўрни" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда "Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти архив иши бошқармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Унда тарихни ўрганиш, тарихий ҳақиқатларни қарор топтиришда давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг аҳамияти, архивлардаги мавжуд Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари, "Ўзбекистон тарихи" канали фаолиятини ташкил этишда архивларнинг ўрни масалалари муҳокама этилди.

Юртимиз ўтмишини тадқиқ этишда Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини ўрганиб, уни ҳолис қўлашда халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланмиш архив ҳужжатлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан тарихни мукамал ўрганишда айнан архивларнинг ўрни ва аҳамияти беқубсиздир.

Рақамларга эътибор қаратилса, бугунги кунда республикада 103 та давлат архивларида 8,4 млн. сақлов бирлигидаги Миллий архив фонди ҳужжатлари, шу жумладан 845 минг сақлов бирлигидаги алоҳида қимматли араб, форс-тожик ва эски ўзбек (турк) тилларидаги қадимий ва ноёб ҳужжатлар сақланади. Айни вақтда фақатгина Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивда тарихий даврга оид жами 910 та фонд, 445 158 йиғмажилдлар мавжуд бўлиб,

уларнинг барчаси алоҳида қимматли ҳужжатлар сирасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномада белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида шу кунгача Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали ДУК билан "Ўзбекистон тарихи" канали учун кўрсатувлар тайёрлашда ҳамкорлик масалалари келишиб олинди. Бу борада илк қадамлар ташланган, кўрсатувлар учун ахборот йиғиш, архив ҳужжатларини ажратиш, архив ходимларини муайянлик кўрсатувларини тайёрлаш бўйича танловлар ва маҳорат-дарслари, баъзи кўрсатувлар лойиҳалари учун тасвирга олиш ишлари олиб борилаётган. Жумладан "Архивлар овози" руқни учун "Жаҳон архив мероси: Хива хонлари архив ҳужжатлари", "Туркистонда тиббиёт: архив ҳужжатлари асосида", "Этнография маданияти", "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи" каби 20 дан зиёд мавзудаги кўрсатувлар бўйича янги гоялар устида архивчилар томонидан ижодий изланишлар олиб борилаётган.

"Ўзбекистон тарихи" телеканали ишга туширилиб, эфирга узатилаганидан сўнг тарихий ҳақиқатларни қарор топтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар алоҳида муҳокама этилиб, ушбу йўналишдаги бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга оид бир қатор тақлифлар берилди.

(Ўз мухбири)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент вилояти Қиррай тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Қиррай тумани, "Дўрмон" ҚФЙ, Езувчилар ижод уйи кўчаси, 20-уй учун Якубов Исқандар Адилевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 7-Бизнес мактаб томонидан 1999 йилда Дереш Александр Владимирович номига берилган № 07010 рақамли (10-рўйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси (аввалги Дж.Абидова кўчаси), 5-уй эгаси Азизова Наталья Валерьевна номига Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Фармацевтика институти қошидаги академик лицейи томонидан 2018 йилда Обиддинова Мохинабону Асомиддин қизи номига берилган L № 022508 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист Аббос Алимбоевга онаси **АЗИЗАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Ешлар билан ишлаш бўйича проректор Муборак Аҳмедовна Аҳмедованинг турмуш ўртоғи **ШОКИР** аканинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Бошинг қотиб, қандай яшашни билмай қолсанг, ўзингни тақдир ихтиёрига топшир – ўзи раҳнамо бўлиб, бир йўл кўрсатади.

Камдан-кам дўстлик вақт сино-видан ўтади.

Одамлар бировлар билан боғлиқ бирор нарсани назардан қочир-майдилар.

Нафс энг яқин одамларни ҳам бир-бирига душман қилиб қўяди.

Ўзида бўлмаган киши минг урин-масин, ҳаракатларининг сохтали-ги билиниб қолади.

Аллоҳ ҳам ҳаракатчан бандаси-ни хуш кўради.

Бировдан кутма мадад, Ўзинг қилгин ҳаракат.

Одам ажратишдан ёмони йўқ.

Ишни қилган кўпинча чеккада қолиб кетади.

Кечиримлилик ҳам улўғлик ало-мати.

Бу дунёда ҳар ким ўз ҳақиқати-га суяниб, ўз ҳақиқатини ҳимоя қилиб яшайди.

Хаёлинг бир жойда бўлмаса, ишинг унмайди.

Тирикчилик ташвиши Тугамайди ёз-қиши.

Яхши хотин хонадонни гуллатар, Ёмон хотин хароб қилар, кула-тар.

Худбин ўзини севади-ю, ўзгани севаман деб ўйлайди.

Текинга ҳамма даъвогар.

Одамнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Ёш ўтган сари ақл қуйила бора-ди, кўнгил эса вазмин тортишни истамайди.

Ўзгидромет Хабар қилди

18 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мони-торинг хизмати маълумо-тига кўра, 13 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари модда-ларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яра-тади, ифлосланиш дара-жаси паст бўлади.

ҲАМЮРТИМИЗНИНГ НОМЗОДИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида Осие Олимпия кенгашининг 38-бош Ассамблеяси ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси прези-денти Умид Аҳмадҷонов ва бош қотиби Жасур Матча-нов ҳам иштирок этишди. Нуфузли тадбирда 2019 – 2022 йиллар учун ташкилот раҳбарияти, Ижроия қўми-таси ва доимий комиссияси аъзолари сайланди. Қувонарли жиҳати шундаки, Осие Олимпия

кенгаши вице-президенти лавозимига Марказий Осиедан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раҳбари Умид Аҳмадҷонов номзоди иштирокчи-лар томонидан қўллаб-қувватланди. Биз Умид Аҳмадҷоновга янги масъулиятли ва-зифада омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

БИТТА ҒАЛАБА, ИККИТА ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг Туркияда ташкиллаштирилган ўқув-машғулот йиғини якунига етди.

Йиғин доирасида сербиялик мутахассис Любинко Друлович бош мураббийлигидаги олимпия-чиларимиз бошқа жамоаларга қарши назорат-ўртоқлик бахслари-рида омадларини синаб кўриш-ди. Авваламга Друлович шогирд-лари Швейцариянинг "Делемон" клуби билан ўтган мурасасиз бахсда 2:2 ҳисобидаги дурангга рози бўлган бўлишса, кейин Гру-зиянинг "Локомотив" жамоаси устидан 3:2 ҳисобида зафар кучишди. Сўнгги назорат ўйини-

да олимпиячиларимизга "Истан-бул Башакшеҳир" клуби рақиб-лик қилди. Ушбу клубнинг 23 ёшгача бўлган жамоасига қарши майдонга тушган ҳамюртларимиз шиддатли, қизиқарли кечган ўйинда мураса йўлини танлаш-ди. Учрашув 1:1 ҳисобида яқу-нига етди. Олимпия терма жа-моамиз голига Ислом Қобилов муаллифлик қилди. Эслатиб ўтамиз, 2020 йилда уюштирилаётган Осие чемпио-нати йўлланмасига эга бўлиш

учун олимпия терма жамоамиз 22-26 март кунлари ташкиллаш-тирилаётган қитъа биринчили-гига саралаш турнирида зафар кучишлари талаб этилади. Ушбу беллашувларга Тошкент мезбон-лик қилади. Осие чемпионати-га саралаш бахсларида Любинко Друлович шогирдлари Тожикис-тон, Ҳиндистон, Покистон терма жамоалари билан бир гуруҳда голиблик учун кураш олиб бора-ди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Футбол янгиликлари

МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИ НУФУЗЛИ МУСОБАҚА КУТМОҚДА

Эктор Купер бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамиз Хитойга борадиган бўлди.

Гап шундаки, Хитойнинг Гуанси шаҳрида 21-25 март кунла-ри футбол бўйича халқаро турнир уюштирилади. Ушбу мусо-бақада ҳамюртларимиз Хитой, Таиланд, Уругвай терма жамоа-ларига қарши голиблик учун кураш олиб боришади.

Турнир ташкилотчилари қарорига кўра, ярим финал ва финалдан иборат бўлган турнирда Эктор Купер шогирдла-ри Уругвай терма жамоасига қарши майдонга тушишади. Ушбу ўйин 22 март кун бўлиб ўтади. Хитойликлар эса 21 март кун таиландлик чарм тўп усталари билан куч синаши-шади. Ярим финалда ғалаба қозонган терма жамоалар 25 март кун бош соврин учун беллашишса, айнан шу кунги ярим финалда енгилган жамоалар учинчи ўрин эгасини аниқ-лаб беришади.

2017 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур халқаро тур-нирда дастлаб Чили, Исландия, Хорватия, Хитой катнашган ва Жанубий америкаликлар голиб чиқишган.

Ушбу турнир олдидан пойтахтимизда бош мураббий Эктор Купер иштирокида матбуот анжумани ўтказилиши режалаш-тирилган. Эктор Купер Хитойга борадиган миллий терма жа-моамиз футболчилари рўйхатини айнан шу матбуот анжума-нида эълон қилади.

Сайёр суд

ЯРАШГАНЛИГИ УЧУН ИШ ТУГАТИЛДИ

Кейинги пайтда жиноят судларида оқлов ҳукмлари, ярашганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар салмоғи ортиб бормоқда. Бу албатта, қонунларимизнинг адолатли, инсонпарварлик тамойилларига асосланганидан далолат беради.

Миробод тумани "Парвона" ма-халла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайёр суд ишида 1989 йил-да туғилган Дониёр Толипов (исм-шарифлар ўзгаририлган) жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра, Д.То-липов Миробод тумани, Оқйўл кўчасида яшовчи А.Олимовнинг ишончига кириб, газдан қарздор-лик тўловини амалга оширишни айтиб, ҳисоблагичдаги 1500 куб метр газ истеъмоли учун 210 минг сўм олган. Бу ҳолат бир неча бор такрорланган, яъни ҳисоблагич-даги газ истеъмоли учун тўлаши керак бўлган пуллари ҳисоблаб, жами 1 млн. сўмгача бўлган маб-лағни қўлга киритиб, фирибгар-лик жиноятини содир қилган. Қонунчиликда шундай модда борки, шахс агар айбига иқро

бўлса, жабрланувчи билан яраш-са ва етказилган зарарни барта-раф этса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Дастлаб-ки терговда гумон қилинувчи Д.Толипов ва жабрланувчи А.Олимовлар ариза билан муро-жаат қилишиб, жиноят ишини ярашганлиги муносабати бил-лан тугатишни сўрашган. Миробод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлини маси кат-та суриштирувчисининг 2018 йил 24 июндаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Д.Толиповга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жино-ят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати бил-лан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган. Суд мажлисида гумонланувчи

Д.Толипов айбига ўз ихтиёри бил-ан тўлиқ иқро эканлиги, қил-мишдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатлари-ни англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қопла-ганлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради. Шу тарихи суд иккала тараф-нинг ярашганлиги муносабати бил-лан ишни тугатиш ҳақида ажрим чикарди.

Унда иштирок этган маҳалла фаоллари, жамоат ташкилот ва-киллари халқимизнинг кеңири-ли бўлиш, бир-бирини ҳафа қил-маслик инсонийликни намойён этувчи амаллардан бири эканли-гига яна бир бор амин бўлдилар. **Р.ҒАҒУРОВ,** Миробод туман прокуратураси терговчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING БОЖХОНА ИНСТИТУТИ 2019/2020 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАР ТАНЛОВНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида ўқиш му-ддати 4 йил (казарма шароитида). Ўқиш даврида курсантлар бепул махсус кийим-бош, ётоқхона ва озиқ-овқат билан таъминланадилар. Курсантлар институтида ўқиш даври ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ муддатларига киритилади. Курсантлар институти битиргач, божхона органларида хиз-мат қиладилар. Курсантлар институтида қуйидаги йўналишларда таълим олиш-лари мумкин, **БОЖХОНА ИШИ ВА ЮРИСПРУДЕНЦИЯ** йўналишлари бўйича. Танловда иштирок этиш шартлари қуйидагича: – умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумо-тига эга бўлган; – 17 дан 21 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар, 17 ва 21 ёшга тўладиганлар), бўйи 165 см. (киз болалар 160 см.)дан баланд ўғил ва қизлар; – мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар 17 дан 25 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар, 17 ва 25 ёшга тўладиганлар (захирадаги офицерлар бундан мустасно)); – жисмонан ва ақлан соғлом бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (доимий яшаш манзили Тошкент шаҳрида бўлган-лар); – мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар та-всияномасига эга бўлган абитуриентларга, тест синовларида улар тўплаган балларга имтиёз берилди; – дастлабки танлов жараёнида, келгусида божхона органла-рида хизмат қилишга лойиқ деб топилган абитуриентлар танлов асосида, 5 июль кун Давлат тест маркази томонидан ўтказила-диган тест синовларида иштирок этадилар, муваффақиятли ўтган абитуриентлар Божхона институтида ўқиш учун қабул қилинади-лар. ДБК Божхона институтига ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентлар ҳужжатлари 2019 йил 1 февралдан 1 апрелга қадар, **душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума** кун-лари соат 10.00дан 12.00гача. – 15.00дан 17.00гача Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Кадрлар бўлими томонидан қабул қилинади. **Мурожаат этиш учун телефонлар:** 78-120-76-76, ички 32-03, 32-05. **Манзил:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўча-си, 35-уй, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси биноси.

Оққўрган тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 8.01.2014 йилда № 3447 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "METAN BARAKA SAVDO" МЧЖ (ИНН 302784653) таъсисининг 11.03.2019 йилдаги 2-сон қарорига асосан ихтиёрий равишда **ТУГАТИЛАДИ** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги ман-зил орқали қабул қилинади: Оққўрган тумани, "Аччи" ҚФЙ, С.Бўриев кўчаси. Мурожаат учун телефон: (98) 307-79-49.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Наманган вилояти Уччи тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2018 йилда № 574481 рақам билан рўйхатдан ўтган "INNOVATION IDEA GROUP" МЧЖ (СТПР 305287826) Устав фонди 9 555 321 107 сумдан 10 000 000 сўмга камайдиган маълум қилади. Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мuddат ичида Наманган вилояти, Уччи тумани, "Бок" М.Ф.Й., А.Темур кўчаси манзили бўйича қабул қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2004 йилда MAZYAYEVA NELLYA RAFAELEVNA номига берилган В № 158197 рақамли (824-рўйхат рақамли) бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Оққўрган тумани ҳокимлиги ҳузуридаги рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2009 йил 6 августда реестр тартиб рақами № 148/1239-сон билан давлат рўйха-тидан ўтган "Зухриддин – Саломат Файз" хусусий корхонасининг номи "SH-B-K Oil GAZ" деб, ташкилий ҳуқуқий шакли эса масъулияти чекланган жамияти деб ўзгар-тирилганлиги маълум қилинади. (Асос: "Зухриддин – Саломат Файз" хусусий корхонасининг 28.02.2019 йилдаги умумий йиғилиши қарори). "SH-B-K Oil GAZ" МЧЖ "Зухриддин – Саломат Файз" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси эканлигини маълум қилади. Мурожаат учун телефонлар: (90) 350-00-62, (90) 114-00-96.

Юносубод машинасозлик касб-хунар коллежи томонидан 2010 йилда Бураканов Артур Рашитович номига берилган К № 1869521 рақамли (1978-рўйхат ра-қамли) диплом ва диплом иловаси йўқол-ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат аграр универси-тети томонидан Сотволдиев Жаҳон-гир Шамшитдинович номига 2006 йилда берилган В № 235742 рақам-ли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Уйғун" ХКга тегишли дума-лоқ муҳр йўқол-ганлиги сабаб-ли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар қўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жоилардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 233 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ